



**ELLIPTIC SENTENCES AND THEIR EXPRESSION IN DIFFERENT
STYLES**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10142893>

Матқосимова Мохирахон Эркинбек қизи
*ADChTI, Theory and practice of the German language
teacher of the department*

ANNOTATION

This article describes the use of elliptical sentences in different styles, mainly in everyday speech, journalistic style and fiction.

Key words

elliptical sentences, everyday communication, journalism, fiction, dialogical speech, emotionality, implicit, explicit

**ЭЛЛИПТИК ГАПЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛИ УСЛУБЛАРДА
ИФОДАЛАНИШИ**

Матқосимова Мохирахон Эркинбек қизи
*АДЧТИ, Немис тили назарияси ва амалиёти
кафедраси ўқитувчиси*

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада эллиптик гапларнинг турли услублардаги кўриниши, асосан, кундалик сўзлашув, публицистик услубда ва бадиий адабиётда ифодаланиши баён этилган.

Калит сўзлар

эллиптик гаплар, кундалик мулоқот, публицистика, бадиий адабиёт, диалогик нутқ, эмоционаллик, имплицит, эксплицит.

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается употребление эллиптических предложений в разных стилях, преимущественно в повседневной речи, публицистическом стиле и художественной литературе.

Ключевые слова

эллиптические предложения, повседневное общение, публицистика, художественная литература, диалогическая речь, эмоциональность, имплицитное, эксплицитное.

Тилдаги ҳамма гаплар турларини стилистик хусусиятларини батафсил ўрганиш шарт эмас. Кўплаб тадқиқотларда таъкидланишича синтактик бирлик полифункционал ва полисемантик хусусиятга эга ва уларнинг стилистик характери бир бирига таъсири асосида ўрганилишни талаб қилади.

Эллиптик гаплар стилистик жихатдан аниқ ифодаланган гаплардир: эллиптик гапларнинг бир неча турлари кундалик мулоқот услубига хос бўлиб, бошқалари публицистика ва бадиий адабиёт услубига тегишлидир. Уларни „Baumeistern der Sprache“ дейиш мумкин ва махсус стилистик восита сифатида қўлланилади. Икки функционал, илмий ва расмий услубда эллиптик гаплар деярли қўлланилмайди.

Эллиптик гапларнинг турли туманлигини ва уларнинг маълум ситуацияларда ишлатилиш холларини аниқ структураларга солиш қийин. У доимо тўла маънони ифодаламайди, доим қандайдир гапга боғланган ҳолда ёки бирор ситуация билан ифодаланади. Фақатгина бу гаплардаги оҳанг ва пауза уларни нутқ бирлиги сифатида талқин қилишга асос яратади.

1. Elliptische Sätze in der Alltagsrede. Эллиптик гапларнинг кундалик мулоқот услубида ишлатилиши. Бу услубда эркинлик норасмийлик, диалогик нутқ, эмоционаллик уларни эллиптиклик хусусиятини кучайтиради. Сухбатда, мулоқотда қатнашаётган ўз вазифаларини жўнатувчи ва тингловчи шаклида доимо ўзгартириб турадилар, фикрлар олдиндан тайёрланмайди ва сухбат давомида тузатилмайди. Тил воситаларидан фойдаланилаётганда ҳам эркинлик, норасмий атмосферада сухбатлашаётган нотиклардан синтактик қоидаларга қатъий бўйсунитишни ҳам талаб қилмайди. Имо - ишоралар, мимика ва бошқа ёрдамчи воситалар тил структураларини тўлдиришга ёрдам беради ва ҳар бир нутқдаги камчилик „Redesplitter“ мулоқотга ҳалақит бермайди. Гапларда куйидаги гап бўлаклари ишлатилмаслиги мумкин:

das Subjekt: *Hab schon gehört. Hat keinen Zweck.*

das Prädikat: *Jeden Tag ein Streit;*

ein Teil des Prädikats: *In Leipzig gekauft. Schön, daß du da bist;*

beide Hauptsatzglieder: *Einen Stuhl, bitte!*

Эллиптик гаплар кўпинча ремага эгадирлар, тема эса контекстан маълум бўлиши мумкин. Тўла гапда эксплицит ифодаланган фикр, эллиптик гап-ларда имплицит ҳолда мавжуд бўлади. Имплицитликни Ю. Скребнев кундалик мулоқот услубининг асосий хусусиятларидан деб хисоблайди. [1, 256].



Савол-жавоб гапларда, эллиптик гапларнинг қўлланиши табиий ҳол ҳисобла-нади. Жавоб саволга қаратилган бўлади ва кейинги савол эса жавобга йўналтирилади.: *Was ist dein Fach? – Schlosser. – Wie ist es zu dem Unfall gekommen? – Aus Unachtsamkeit. – Wer war dabei? – Mein Nachbar.* Жавоб берилган сўроқ гаптаги маълумотнинг бўш ўринларни тўлдиради. Тўлдирувчи сўроқ гапларининг ўринлари кундалик мулоқот материаллари асосида Бринкманн томонидан қуйидаги рақамларда бўлинган: Objekt 22 Fälle, Subjekt 20 Fälle, Attribut 11 Fälle, motivierende Angaben, mit wie, warum etc. erfragt, 23 Fälle.

Сўроқ сўзлар ҳам қисқа шаклда, айниқса, сўроқ жавоб занжири шаклида бўлиши мумкин Frage-Antwort-Kette: *Ihr Name? – Schulz. – Ihr Beruf? – Arzt. – Ihr Alter? – Dreißig.* Гапта берилаётган сўроқлар тўла шаклда берилади, Бринкманнинг тадқиқотларида in 100 von 111 Fällen. Жавобларнинг ярми акс ҳолда эллиптик шаклда берилган: 51 zu 58 [2, 233].

Доимо эллиптик шакл сўровларда, сўроқ гапнинг ремаси жавобда темага

айланади: *Ist sie aktiv? – Aktiv? Das gerade nicht.*

Диалогларда мулоқотчилар бошқа кимса фикрларини эллиптик шаклда ифодалайдилар, давом эттирадилар, тўлдирадилар ва ўзлаштирадилар: *Ich will leben und du willst Geld. – Um zu leben. (Remarque).*

Эллиптик гап қуйидаги гапта ситуациянинг кўп маъноли ва катъий эканлигини намоён қилади: *In einem Warenhaus: Einen Sommermantel? Welche Größe? Am Eisenbahnschalter: Drei zweiter Leipzig (=drei Fahrkarten zweiter Klasse, für einen Zug nach Leipzig). „Gestatten?“ fragt der junge Mann, wenn er eine Dame zum Tanz auffordert.*

Шахснинг нутқи тўлиқ бўлиши мумкин ва шу гапта киритма эллиптик гаплар илова қилинади: *Man hält mich für verrückt. Alle. Auch du. Und auch meine Buben (Dürrenmatt, Die Physiker).*

Гаплардаги синтактик бўлиниш кундалик мулоқотда зарур бўлмаган стилистик ҳолатдир, нутқдаги ҳис ҳаяжонни, ажабланишни бошқа психик ҳолатларни ифодалаш ва бу фикрни бўлинишига олиб келиши мумкин.

Эллиптик гапларнинг кўп қўлланиш даражасини қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин: Танланган материал 5 та замонавий театр сценарийсидан 5000 гап олинган бўлиб, ҳар бир асардан 1000 таданни ташкил қилади; улардан

эллиптик гаплар 35,7% ташкил қилади [3, 345].

Theaterstück	Ellipsen
Gert Ledig, “Das Duell”	356
Fred Reichwald, “Das Wagnis der Maria Diehl”	371



Günther Weisenborn, " Die Illegalen"	292
Fr.Dürrenmatt, Die Physiker	384
Ulrich Becher, Feuerwasser	382

2. **Elliptische Sätze in der Publizistik.** Публицистиканинг айрим жанрларида эллиптик гаплар стилистик нормаларга мос келади: матбуот эълонлар, таништирувлар, об ҳаво маълумотлари эллиптик гаплар ёрдамида тузилади. „Leipziger Pfeffermühle" театри дастуридан бир мисол келтирамиз: *Mit Tulpen und Pasteten. Premiere am 3. Oktober 1964 im Haus am Thomaskirchhof. Regie: Hans Robert Wille-, Ausstattung: Christian Ladwig\ Musikalische Leitung-. Gerd Holger.*

Спорт маълумотларидан: Eishockey. *In Helsinki : Finnland – Rusland 1 : 4 Erstes Spiel in Tampere gleichfalls 1 : 4 .*

Меҳмонхона учун реклама : *Paradieshof – das Haus der guten Laune-, Gutes aus Küche und Keller. Täglich Tanz für alt und jung. Montag Ruhetag.* Эллиптик гаплар газеталардаги мақолалар сарлавҳаларида кўплаб учрайди: *Aufewig mit dem Lande Medwedews verbunden. – An der Seite der Völker in aller Welt.*

3. **Elliptische Sätze in der schönen Literatur.** Бадий адабиётлардаги эллиптик гаплар. Бадий адабиётларда эллиптик гаплар стилистик воситаларни аниқ ифодалашда қўлланилади. Образлар нутки кундалик мулоқот услубида ифодаланади, шунинг учун ҳам юқорида таъкидлаганимиздек эллиптик гаплар бадий адабиётлардаги образлар нуткнинг типик кўринишидир. Гапларнинг турли шаклларга бўлиниш ҳолатлари бадий адабиётларда кўп учрайдиган ҳолатлардан ҳисобланади. Гапнинг бўлақларга бўлиниши ёки унинг бошқа мустақил гап шаклида қайтарилиш ҳоллари ҳам мавжуддир. Гапнинг чегараси оҳанг билан кўрсатилади.

So war das. Damals. Gestern (Borchert, Die Elbe). Aber es war nur ein dürrer grader Mensch mit langen Beinen und einem kahlen Schädel, der in der einsamen Halle marschierte. Marschierte mit einem kahlen Schädel... (Borchert, Preußens Gloria).

Энг кўп ишлатилган восита сифатида импрессионистлар ва экспрессионистлар асарларидан гапларнинг бўлиниш хусусиятлари бошқа адабий оқимларга ҳам кириб келди. У гапларда шундай маъноларни ифодалайдиги, нутққа оҳангдорлик, сўзловчига ғазаби чиқишидан олдин нафас олишга, иккиланиш, кўркув, чарчоклик ва ҳолдан тойиш каби ҳолатларда ҳам аниқ кўрсатиб беради: *Klein, verbittert, verarbeitet, zerfahren, fahrig, farblos, verängstigt, unterdrückt: der Kellner. Der kleine Kellner. Ein richtiger Kellner: verdrossen, stereotyp höflich, geruchlos, ohne Gesicht, numeriert, verwachsen und*



trotzdem leicht schmuddelig... Und mein Onkel? Ach, mein Onkel Breit, braun, brummend... (Borchert, Schischyphusch).

Гапларнинг бўлиниши унинг айрим қисмларидаги маънони таъкидлаш учун хизмат қилади: *Drei Männer saßen am Tisch. Und das Mädchen. (Borchert, Der Kaffee ist undefinierbar). Vgl. Drei Männer und ein Mädchen saßen am Tisch.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ю. М. Скребнев. Общелингвистические проблемы описания синтаксиса разговорной речи. Докт. дисс.М., 1971. -256 с.
2. К. Boost. Neue Untersuchungen zum Wesen und zur Struktur des deutschen Satzes. Berlin, 1995. -233 S.
3. Н. Brinkmann. Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. 2. Aufl., Düsseldorf, 1971. -345 S.